

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келяжаги
бўёқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 28 июль № 156 (3431)

Чоршанба

ПРЕЗИДЕНТААР УЧРАШУВИ

Қисқа муддатли дам олишда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ялтада амалий ташриф билан Украинага келган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Сухбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини ислоҳ қилишда кўмаклашишга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда умумий юрисдикция судларининг 2004 йилнинг биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаволияти якунлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Мажлисда умумий юрисдикция судлари ўтган олти ой мобайнида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни шакллантириш борасида муайян ишларни амалга оширганлиги қайд этилди. Фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан қўрилган ишлар сони ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан анча кўпайганига қарамай, бу тоифа ишларни ҳал қилиш муддатлари ва сифати се-

зилари даражада яхшиланганлиги таъкидланди. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жиноий жазоларни ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш тўғрисидаги қонунларни татбиқ этишга эътибор кучайтирилди. Хусусан, ярашув институти судланганлик ҳолатининг қамайишига ва жиноят оқибатида етказилган зарарининг тўлиқ қопланишига эришилишига самарали таъсир этмоқда.

Муҳокама этилган мас-

алар юзасидан қабул қилинган қарорда Олий суд раёсати судларнинг эътиборини суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш, ишларни қўриб қишиш жараёнини асосий равишда чўзиб юбориши ҳоллари рўй бераётганлигига қаратди. Ана шу камчиликларни бартараф этиш юзасидан муайян чора-тадбирлар белгиланди.

Ўз муҳбиримиз.

Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари ривожланмоқда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония Императори Акихито билан суҳбатлашмоқда.

21 июль куни Япония пойтахти Токио шаҳрида Ўзбекистоннинг Япония билан ҳамкорлик кўмитаси ва Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўмитасининг биринчи кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2002 йилнинг июлида Японияга расмий ташрифи чоғида ушбу кўмиталарни ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўмитасига таниқли сиёсий арбоблар — собиқ Бош вазир Й.Мори фазрий президент сифатида, жамоат бошқаруви, ички ишлар, почта ва телекоммуникация вазири, Япония парламенти депутати Т.Асо кўмита раиси сифатида раҳбарлик қилади.

Ўзбекистоннинг Япония билан ҳамкорлик кўмитасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодий вазири Р.Азимов раҳбарлик қилмоқда.

Мажлис давомида кўмиталарнинг икки мамлакат парламент ва ҳукумат аъзолари, молия ва ишбилармон доиралар вакиллари, таълим, маданият, фан ва санъат соҳасининг

таниқли намояндalarидан иборат аъзолари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришнинг асосий йўналиши ва механизмларини батафсил муҳокама этдилар.

Мажлис якунлари бўйича меморандум имзоланди. Бу ҳужжатда ўзаро ҳамкорликнинг келгуси йиллардаги йўналиши ва механизмлари белгилаб берилган.

Ўзбекистоннинг Япония билан ҳамкорлик кўмитаси раиси Япония Бош вазир Ж.Коидазуми қабулида бўлди ва унга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мактубини топширди.

Ўзбекистонда амалга оширилаёт-

ган ислохотлар жараёнини изчил қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатимиз раҳбариятининг Япония ҳукумати раҳбарига миннатдорлиги изҳор этилди.

Ж.Коидазуми ўз навбатида Кунчиқар мамлакат Ўзбекистонга дўст давлат сифатида қарашини ва Япония ҳукумати мамлакатимиз билан барча йўналишларда ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга интилишини таъкидлади.

Ўзбекистон делегацияси Япония Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий, савдо ва саноат вазирлиги, Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги, Жамоат бошқаруви, ички ишлар, почта ва телекоммуникация вазирлиги раҳбарлари билан учрашиб, тегишли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича кенг қўламли мулоқотлар ўтказди.

Ташриф чоғида Япония Ташқи ишлар вазирлиги Бойсун-Кумқўрон темир йўли қурилиши учун 150 миллион долларлик узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратилишини расман эълон қилди. Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки билан "Асака" банки ўртасида эса 40 ва 50 миллион долларлик иккита кредит шартномаси тузилди. Бу ҳужжатларга кўра, Богот ва Кўқонда тайёр экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик мажмуалари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ташриф чоғида Япониянинг етакчи компаниялари вакиллари билан телекоммуникация, замонавий электроника маҳсулотлари ва машинасозлик учун юқори технологиялар ишлаб чиқариш соҳасида тўғридан-тўғри Япония сармоси асосида кўшма корхоналар ташкил этиш бўйича қатор меморандум ва битимлар имзоланди.

ОЛТИН СОВРИН СОҲИБИ

ҚАРШИ (ЎзА муҳбири А.МУҲАММАДИЕВ).

Мамлакатимиз нефть-газ саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат кўрсаткичи учун "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси Нью-Йорк шаҳридаги Business Initiative Directions компанияси таъсис этган олтин совринга сазовор бўлди. Жумладан, компаниянинг Шўртан газ-кимё мажмуида ишлаб чиқарилаётган полиэтиленга, айниқса, юқори баҳо берилди.

Газдан ажратиб олинаётган полиэтилен ҳомишасига ташқи бозорда талаб катта. Чунки, бу ҳомишадан саноатда, қишлоқ ҳўжалигида кенг фойдаланилади.

Йилнинг ўтган олти ойида Шўртан

газ-кимё мажмуида бир ярим миллиард кубметр газ қайта ишланиб, 42,7 минг тонна суюлтирилган газ, 42,2 минг тонна газ конденсати, 50,3 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарилди.

— Шу пайтга қадар Покистон, Хитой, Россия, Туркия, Эрон ва

Қозғистон каби мамлакатларга маҳсулот экспорт қилаётган эдик, — дейди мажмуанинг техника бўлими бошлиғи Руслан Мадиев. — Улар қаторига энди Польша, Украина, Словакия ҳам қўшилди. Исроил, Латвия, Австрия, Венгрияга буюртма бўйича синов учун ҳомишэ жўнатялмиз. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида қадокланаётган полиэтилен гранулясининг 75 фоизи хорижга сотилмоқда.

Сайлов қонунчилиги

Депутатликка номзод қандай кўрсатилади?

Депутатликка номзод кўрсатиш тартиби ҳақида тушунтириш маълумот берсангиз. Эшитишимча, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуни айнан шу жараёни бўйича ўзгаришлар киритилибди.

А. СОИПАЗАРОВ,
анджонлик фермер.

Депутатликка номзодларни кўрсатиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш сайлов жараёнининг энг муҳим босқичларидан ҳисобланади. Бу босқич сайлов жараёнининг муайян доирадаги шахсларни танлаш имкониятини берадиган энг фаол бўлигидир.

Жаҳон амалиётида депутатликка номзод кўрсатишнинг учта асосий услуби мавжуд. Бу сиёсий партиялар томонидан, сайловчилар томонидан ва ўз-ўзини кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Сийсий партиялар томонидан номзод кўрсатишда жойлашган партия ташкилотлари йиғилишларида, шунингдек, умумий сўзларда ёки ушбу ташкилотларнинг марказий раҳбар органлари мажлисларида амалга оширилади.

имзо тўплаш йўли билан ва имзоланган амалга оширилади. Бир қатор мамлакатларда бундай номзод сайлов кафолати (залог) тўлаши шарт. Кафолат эса ўша номзод муайян миқдорда минимум овоз тўплай олганига қайтариб берилди. Имзо тўплаш ва кафолат тўлаш тасодий номзодлардан сақланиш мақсадидагина ишлатилади.

Мамлакатимизда эса «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар. Шунингдек, бу Қонунда номзод кўрсатиш тартиби, депутатликка номзодга қўйиладиган талаблар аниқ белгилаб берилган. Қонуннинг 21-моддасида депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссияси қандай ҳужжатлар тақдим этиши ҳам тўла баён этилган.

Юқорида номи зикр этилган Қонуннинг 22-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилишича, депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади, ининг

давомида эса сиёсий партиялар фақат ўз партия аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишлари мумкинлиги ҳам айтилади.

Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиши учун тегишли сайлов округининг қонунда белгиланган миқдордаги сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тuzиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризада қонунда кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан депутатликка номзод кўрсатиш механизми сайлов тўғрисидаги янги қонунчилик томонидан бекор қилинди. Негакки, бу сиёсий партиялар ва бевосита фуқароларнинг давлат ва жамоат бошқаруви ишида қатнашувлари учун кенг имконият беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда депутатликка номзод кўрсатиш тартиби демократик талабларга ҳам, халқ манфаатларига ҳам тўла жавоб беради.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси хамкорлигида тайёрланди.

Япониянинг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатидаги ўрни

Бой тарих, маданият ва миллий анъаналарга эга бўлган Япония дунёнинг етакчи давлатларидан биридир. Мамлакат иқтисодиёти юксак даражада тараққий топган. Аҳолиси 127 миллиондан зиёд бўлиб, жаҳонда 10-ўринда туради.

Япония иқтисодиёти 60-80-йилларда, айниқса, юксак суръат билан ривожланди. Айни пайтда нуфуси дунё аҳолисининг атиги 2 фоизини ташкил этса-да, мамлакат жаҳон янги ички маҳсулотининг 13,3 фоиздан ортигини ишлаб чиқармоқда. Бу жиҳатдан Япония дунёда 2-ўринни муҳим эгаллаб турибди.

Япониянинг жаҳондаги обрўси тобора ортиб бормоқда.

Бу, аввало, ушбу мамлакатни йирик халқаро инвесторга, ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда фаол кўмақдош давлатга айлантирган иқтисодий салоҳияти туфайлидир.

Япония БМТ, ЮНЕСКО, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё Тараққий банк, Европа Тикланиш ва тараққий банк билан ҳамкорлик механизми орқали кўрсатилган кўмаги юксак қадрланади.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Япония Бош вазир Ж. Коидзуми ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Япония Бош вазир Ж. Коидзуми ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил июлидаги Японияга навбатдаги расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Япония Бош вазир Ж. Коидзуми ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

нинг кўп асрлик тарихига эга. Бу ҳамкорлик, айниқса, "Буюқ Ипак йўли" гуллаб-яшнаган пайтда фаол ривожланган.

Бирок мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро ва халқлараро том маънодаги ҳамкорлик муносабатлари Ўзбекистон мустақилликка эришиб, миллий суверенитетини қўлга киритганидан кейингина ўрнатилди.

Япония билан дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг 26 январида ўрнатилди. Ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1994 йилнинг майида Японияга расмий ташрифидан сўнг жадал ривожланиш палласига кирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил июлидаги Японияга навбатдаги расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Япония Бош вазир Ж. Коидзуми ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Япония Бош вазир Ж. Коидзуми ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Япония Бош вазир Ж. Коидзуми ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Бундан ташқари, шу давр ичида Япониянинг энг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда муҳим сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш учун Япония Халқаро ҳамкорлик банки жами 820 миллион АҚШ доллари миқдориде тижорий кредитлар ажратди.

Япониянинг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга кўрсатилган бераз ёрдами ҳам салмоқли бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Япония БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб, бир-бирини қўллаб-қувватламоқда. Ўзбекистонда Япониянинг халқаро молия институтлари, биринчи навбатда, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё Тараққий банк, Европа Тикланиш ва тараққий банк билан ҳамкорлик механизми орқали кўрсатилган кўмаги юксак қадрланади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси МДХ мамлакатларининг янги ташкил этилган авиакомпаниялари орасида биринчи бўлиб Тошкент ва Осака шаҳарлари ўртасида, кейинроқ эса Тошкент-Токио йўналишида доимий ҳаво алоқасини йўлга қўйди. Ҳозирги вақтда мамлакатларимиз ўртасида ҳафтасига тўрт марта авиакатнов амалга оширилмоқда. Бу эса ҳамкорлик муносабатлари жадал суръат билан ривожланаётганидан далолатдир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири билан янги мустақил давлат ўртасидаги дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро ишончли муносабатлар-

нинг самарали модели сифатида қаралади.

Ўзбекистон ва Японияда ҳамкорлик кўмиталарининг ташкил этилиши — ҳамжиҳатлик сари янги қадам

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ҳамкорлик кўмиталари ўзаро ҳамжиҳатликда сиёсат, иқтисодий, сармос, таълим, маданият, фан-техника ва бошқа соҳаларда ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида ўзига хос локомотивларга айланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Япония Бош вазир Ж.Коидзумининг биринчи кўшма мажлиси ўтказилиши муносабати билан йўлаган самимий табрикларини қўмита аъзолари мамнуният билан қабул қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Япония жамоатчилиги Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўмитаси ташкил этилганини алоҳида таъкидладилар. Унинг таркибига собиқ бош вазирлар Й.Мори ва Ц.Хата, амалдаги вазир Т.Асо, собиқ молия вазири М.Шюкава, собиқ иқтисодий, савдо ва саноат вазирлари Т.Хиранума, Н.Накайма, К.Чума, Т.Никайи каби Япониянинг етакчи сиёсатчилари, танқиди парламент аъзолари кирган.

(Давоми 2-бетда).

Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари ривожланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўмида таркибига Япониянинг "Мицуи", "Марубени", "Тошиба", "Чори", "Тойота", "Шимидзу" сингари энг йирик компаниялари, етакчи давлат ва тижорат банклари, молия институтлари раҳбарлари ва менежерлари ҳам киргани эътиборга моликдир.

Шунингдек, Япония ва дунёда танилган маданият, таълим, илм-фан, санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, жумладан, Токио музика ва нафис санъат университети президенти И.Хирояма, Япониянинг энг йирик телерадиокомпанияси "NHK" президенти К.Эбисава, Япониянинг энг қадимий Васеда университети ректори Т.Окушима ва бошқа кўплаб арбоблар Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўмитасига аъзо бўлиш истагини билдирган.

Кўмитанинг ташкил этилишида Япония Ташқи ишлар вазирлигининг, шунингдек, Япониянинг ўзаро муносабатлар ривожига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистондаги собиқ элчилари Киоко Накаяма ва Укеру Магосакани ҳам хизматлари катта бўлди.

Кўшма мажлис очилишида Япония кўмитасининг фахрий президенти И.Мори Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур кўмида Япония ташқи сиёсатида кузатилаётган ўзгаришларни, ишбилармон доиралари ва жамоатчилигининг Ўзбекистонга, мамлакатимизнинг иқтисодиёт ва жамиятини умуминсоний қадриятлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ва Осиед маданияти тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган ўзбек халқининг кўп асрлик бой мероси ва аъноалари асосида ислоҳ қилишга йўналтирилган сиёсати ва нисбатан беҳад катта ҳурматининг яна бир ифодасидир.

Биринчи кўшма мажлис гўят самимий ва ишчанлик руҳида ўтди.

Унда Ўзбекистонда иқтисодиёт ва жамиятни ислоҳ қилиш жараёнининг бориши, Марказий Осиеддаги вазият ҳамда Япония ҳукуматининг Ўзбекистон ва бутун минтақа ривожига кўмак бериши мумкин бўлган истиқболли йўналишлар муҳокама этилди.

Сиёсий соҳадаги ҳамкорлик

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда янги босқич бошланди ва Марказий Осиед дунё эътиборини ўзига тобора кўпроқ жалб эта бошлади.


Шу муносабат билан Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хавфсизликини мустақамлашга ва минтақа давлатларининг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи Марказий Осиед музоим бозорини босқичма-босқич яратиш тўғрисидаги ниҳоятда долзарб ва ўз вақтида илгари сурилган стратегик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Шу муносабат билан Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хавфсизликини мустақамлашга ва минтақа давлатларининг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи Марказий Осиед музоим бозорини босқичма-босқич яратиш тўғрисидаги ниҳоятда долзарб ва ўз вақтида илгари сурилган стратегик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Шу муносабат билан Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хавфсизликини мустақамлашга ва минтақа давлатларининг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи Марказий Осиед музоим бозорини босқичма-босқич яратиш тўғрисидаги ниҳоятда долзарб ва ўз вақтида илгари сурилган стратегик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Шу муносабат билан Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хавфсизликини мустақамлашга ва минтақа давлатларининг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи Марказий Осиед музоим бозорини босқичма-босқич яратиш тўғрисидаги ниҳоятда долзарб ва ўз вақтида илгари сурилган стратегик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Шу муносабат билан Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хавфсизликини мустақамлашга ва минтақа давлатларининг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи Марказий Осиед музоим бозорини босқичма-босқич яратиш тўғрисидаги ниҳоятда долзарб ва ўз вақтида илгари сурилган стратегик ташаббусини қўллаб-қувватлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Япония Бош вазирли Ж. Коидзуми Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Декларацияни имзолагандан сўнг (Токио, 2002 йил, июль).

Й.Кавагучининг 2004 йилнинг августидан минтақа давлатларига бўлажак сафари ушбу жараённинг муҳим босқичи бўлиши шубҳасиз.

Япония Афғонистоннинг иқтисодий тикланишида мувофиқлаштирувчи ва асосий донор бўлишда жайрли вазифани ўз зиммасига олган. Афғонистондаги аксилтерор операциясининг муваффақиятли ўтишида муҳим ўрин тутган Ўзбекистон ушбу мамлакатни тиклашда, инфратузилмасини ва иқтисодиётининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда тобора фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон ва Япония бу борадаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ниятида.

Икки мамлакат халқаро ташкилотлар доирасида ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон ва Япония дунёвий муаммоларни ҳал этишда БМТнинг аҳамиятини ошириш ҳамда ушбу ташкилот ислоҳ этилишининг тарафдори. Япониянинг дунё иқтисодиётидаги ўрни ва унинг ушиб бораётган сиёсий нуфузини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоллигига ушбу мамлакат номзодини қўллаб-қувватлайди.

Япония билан ҳамкорликни ривожлантиришда Бош вазир Ж.Коидзумининг 2002 йил апрелида Боаодаги (ХХР) Осиед форумида Марказий Осиед минтақасини Шарқий Осиедга иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига жалб этиш борасида илгари сурган ташаббуси муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий ва сармовий соҳалардаги ҳамкорлик

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиёти тузилмавий ислоҳотларнинг муҳим босқичидан ўтмоқда, бу ислоҳотларнинг мақсади эса илгор ва замонавий тех-

нологияларни жорий этиш йўли билан янги ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш ва амалдагиларини қайта қуриш асосида иқтисодиётни замонавийлаштиришдан иборат. Бу йўналишда Япония ва Ўзбекистон ўртасида бўй жабрига тўлган.

Хусусан, Япония компаниялари ва банклари кўмағида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи,

Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилди, Марказий Осиедда энг катта Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирланди, Қўқуд-малок газ-конденсат қонида газ-компрессор станцияси ишга туширилди. Булар Ўзбекистон Республикаси энергетика мустақиллигига эришиши учун замин яратди.

Япониянинг илгор технологиялари асосида тўқимачилик санъатини кенг қўламада замонавийлаштириш бошланди. Шаффоф толали алоқа линиялари негизда умумий миллий ахборот узатиш тармоғини барпо этиш учун Япония ҳукумати томонидан ажратилган 246 миллион доллар миқдоридаги икитарафли узоқ муддатли имтиёзли кредит уммавий компанияларнинг кенг ривожлантириш учун юқори суратларда тайёрлайдиган Банк-молия академияси ташкил этилган ва сармалари фаолият юритмоқда.

Васеда университети ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Олий бизнес мактаби ташкил этилди ва ривожланиб бормоқда. Бу ерда халқаро андозлар асосида бизнесни бошқариш бўйича магистрлар тайёрланапти.

Айни пайтда Япония Таълим вазирлиги кўмағи билан Ўзбекистонда Япониянинг етакчи олий ўқув юртурларидан бири билан ҳамкорликда университет ташкил этиш устида иш олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг март ойида Токиода Сока университетиде буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий хайкали тантанали равишда очилганини Ўзбекистон жамоатчилиги юқори баҳолади.

Тошкентда таниқли япон расоми ва санъатшуноси Икуо Хирояманинг шахсий маблағи ҳисобига ташкил этилган Ўзбекистон-Япония "Буюк Ипак йўли маданияти карвон-саройи" илмий-ижодий марказининг очилиши Ўзбекистон "Буюк Ипак йўли" давлатлари ва халқлари маданиятларининг маркази эканлигининг рамзий эътирофи бўлди. У Ўзбекистон ва Япония маданият арбобларининг мулоқот макони ва ҳамкорлик марказига айланди.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг ажойиб меъморий мажмуасини

тика ва Тинч океанларининг муҳим халқаро бандаргоҳларига қараб янги транспорт йўлақларини яратишни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон бу борада Япония ҳукумати Тошгузар-Бойсун-Қумқўрон лойиҳаси учун 150 миллион долларга тенг имтиёзли кредит ажратганини юқори баҳолайди. Бу лойиҳа Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни таъминлаш билан бирга, Марказий Осиедан Афғонистонга энг қисқа темир йўл йўналишини яратиш имконини беради. Афғонистон иқтисодиётини тиклашда эса Япония асосий ўрин тутмоқда.

Япония сармояси ва технологияларини нефть-газ, кимё, тўқимачилик санъати, телекоммуникация, электроника ва электротехника, транспорт инфратузилмаси ва сайёҳликни ривожлантириш соҳаларида янги қорқончалар ташкил этишга жалб қилиш келажакда икки кўмида иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигининг асосий йўналиши бўлади.

Ижтимоий-маданий соҳадаги ҳамкорлик

Таълимни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш соҳасидаги муносабатлар жадал ривож топмоқда. Япония ҳукумати барпо этилаётган қишлоқ хўжалиги коллежларини техник жиҳозлаш учун 60 миллион АКШ долларига тенг узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратди, Ўзбекистонлик 20 нафар мутахассисга Япониянинг етакчи олий ўқув юртурли магистратурасида турли иқтисодий ўқув йиллик грантлар тақдим

барпо этишда япон фуқаролари фаол қатнашганини Ўзбекистонликлар катта ҳурмат билан ёдга олади.

Ҳозирги кунда ушбу даргоҳда биргаликда турли асарлар саҳналаштирилаётганида, ҳар йили Ўзбекистонда ўтказиладиган Япония маданият кунлари доирасида энг ёрқин тадбирлар шу ерда ўтишида чўқур рамзий маъно бор.

Ижтимоий-маданий ҳамкорликнинг ривожланиши ва кенгайтирилиши Ўзбекистон ва Япония халқларини яқинлаштиришга қаратилган. Бу кўмиталар умумий фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланади. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон кўмитаси ҳузурда хайрия жамғармаси ташкил этилмоқда, унинг маблағлари биринчи навбатда ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон ва Япония фуқароларининг алоқаларини кенгайтиришга йўналтирилади.

Кўшма мажлис иштирокчилари Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш жараёнини қўллаб-қувватлашни давом эттиришга, маданий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга, айниқса, энергетика, энергияни тежовчи технологиялар ҳамда энергиянинг муқобил аниланувчи манбаларидан фойдаланиш соҳаларида кўшма илмий-техникавий тадқиқотлар ва ишланмаларни олиб бориш келгусида ижтимоий-маданий соҳадаги ҳамкорлигининг устувор йўналишларини ташкил этишга келишиб олдилар.

"Буюк Ипак йўли" маданиятлари мулоқотини жонлантириш ҳамда шу мақсадда тасвирий, музика ва театр санъати соҳалари ижодкорларининг алоқалари кўламини кенгайтириш мақсадида мувофиқ деб топилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари яқин келажакда ҳар икки мамлакат телеканаллари учун мамлакатларимиз тарихи, маданияти ва замонавий тараққиёти тўғрисида туркум дастурларни тайёрлашга, Ўзбекистон ва Япония телеканалларида энг яхши ишчи асарларини намойиш этишга келишиб олдилар.

Бу йил Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримовнинг Японияга биринчи ташрифига 10 йил тўлди. Бу воқеа Ўзбекистон билан Япония ўртасида дўстлик алоқаларининг ўрнатилиши, фаол ҳамкорликнинг бошланиши ва унинг стратегик шериклик, дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатлари даражасига кўтарилишига асос яратди.

10 йил мубайнида Япония Ўзбекистон учун яқин ва самимий дўстга айланди ва у ўтти даврининг энг мураккаб босқичида миллий давлатчиликнинг шаклланиши, иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий ўзгаришлар жараёнларини қўллаб-қувватлашмоқда.

Табиийки, ўзаро муносабатларнинг ўн йил мубайнида яратилган мустахкам пойдевори, уларнинг истиқболдаги раванки ўзаро манфаатларни рўёбга чиқаришининг ишончли тизимини, турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришининг механизми ва воситаларини яратишни тақозо этмоқда.

Кўмиталарнинг 2004 йил 21 июлда Токиода бўлиб ўтган кўшма мажлиси натижалари, имзоланган "Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум", ҳамкорлик истиқболлари бўйича амалий мулоқотлар, кредит ва сармовий битимлар, энг муҳими, уршувининг барча иштирокчилари — ҳукумат раҳбарияти, вазирлар, депутатлар, сиёсатчилар, бизнесменлар, дипломатлар, банкирлар, маданият арбоблари ва оддий япониялик фуқароларнинг Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдорлиги келгусида ҳам ҳамкорлик ва шериклик алоқаларининг изчил давом эттиришда замин бўлади.

Рустам АЗИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодий вазир, Ўзбекистоннинг Япония билан ҳамкорлик кўмитаси раиси. Суратлар ўЗА архивдан олинди.

Сайлов қонунчилигини биласизми?

Тартиб-қоида — барчага баробар

— Депутатликка номзоднинг ишончли вакиллари ким томонидан белгиланади? — "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига биноан, депутатликка номзод рўйхатдан ўтгач, беш нафарга қадар ишончли вакилини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Комиссия уларни рўйхатга олиб, гувоҳнома беради.

Номзод округ комиссиясини хабардор этган ҳолда ишончли вакилини сайловга қадар истаган вақтида ваколатидан маҳрум қилиш ва бошқасига алмаштириш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида ишончли вакил ҳам хоҳлаган пайтида ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

— Ишончли вакилларнинг вазифаларини нимадан иборат? — Улар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар. Давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзодлар манфаатини ҳимоя қиладилар.

— Ишончли вакиллар сайлов комиссиясига аъзо бўлишлари мумкинми? — Йўқ! — Сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг, фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг, депутатликка номзодлар ва ишончли вакилларнинг ҳуқуқлари қонуан ҳимояланганми? — Албатта! Масалан, сайловни ташкил қилиш, уни ўтказиш чоғида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлиги бузилгани, сайлов ҳужжатлари қалбақлаштирилгани, сайлов ёки имзо арақалари сохта ёзувлар қилинган, ёзувлар киритилгани, ёзувлар атайин нотўғри ҳисоблангани учун — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жазима солиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишига жалб этиш ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланади. Фуқароларнинг депутатликка сайлаш ёки депутатликка сайланиш бўлиб бориш ҳуқуқларини бузган, депутатликка номзоднинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишлари, шунингдек, фуқароларнинг сайловда эркин қатнашишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки ишқорчилик олиш йўли билан тўсқинлик қилган киши уч йилгача

ахлоқ тузатиш ишларида жалб этилиши ёки олти ойгача мuddатга қамалиши ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Бу жазолар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 146-, 147-моддаларида белгилаб қўйилган.

— Мабодо кузатувчи сайлов қонунчилиги талабларига риоя қилмаса, айтилик, участка сайлов комиссияси фаолиятига аралашиб, ҳалақит бера, фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошираётганларида жараёнга аралашса ёки яширин овоз бериш тартиб-қоидаларини бузса-чи? — Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси кузатувчини овоз бериш хонасидан чиқариб юборишга ҳақли. Айни чоғда уни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишни сўраб тегишли органларга тақдимнома киритиш ҳам мумкин. Бу чоғда Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланаётган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишининг айрим масалалари тўғрисида"ги йўриқнома лойиҳасига киритилган. Сиёсий партиялар органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари билан иш олиб бораётганда уни албатта эътиборда тутишлари жоиз.

— Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан қаерга шикоят қилса бўлади? — Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияси қароридан норози бўлсалар, ўша қарор қабул қилингандан кейин ўн кун мобайнида бу хусусда юқори сайлов комиссияси ёки судга шикоят қилишлари лозим. Марказий сайлов комиссиясининг қарори устидан эса, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, худди шунча мuddат ичиде республика Олий судига мурожаат этиш мумкин.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида белгилашнича, сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят келиб тушганидан сўнг уч кун ичиде, сайловга олти кундан кам вақт қолганида эса, дарҳол кўриб чиқишли керак.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдуноби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Суд давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятларида терроризм ва қўрқувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан суд жараёни давом этмоқда. Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.

Судланувчилар дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда ва бошқа қатор ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Суд мажлисининг иккинчи куну судланувчиларнинг кўргазмаларини тинглаш билан бошланди. Кун буйи давом этган суд жараёнида судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Қазакбаев, Х.Ишматов, Е.Асламов, Н.Қурбоналиев, Р.Юсуповнинг жиноят иши юзасидан кўргазмалари тингланди. Суд жараёни давом этмоқда.

(ўЗА).



Япония иқтисодий ривожланиш бўйича Осиед қитъасида биринчи, жаҳонда иккинчи ўринда туради.

Олманинг тагига олма тушади. Гилюснинг тагидан хали ҳеч ким ёнғоқ термаган ва шунингдек, умид қилмангки, каровсиз ниҳол мена бермаганди, бери ҳам тахир ёки нордон бўлмай. Уни тановул қилишдан оғир нимарса йўқдир. Ота-она, дўсту биродар, қўни-қўшни, устоз муаллим ўз вақтида оғо ва эътиборли бўлганларида ўн етти ёшда Фаррухбойнинг қисмати ҳам бу қадар тахирлашмаган бўларди. Хали ўн гулидан бир гули очилмаган бу ўспирин йигит умр йўлининг остонасидаёқ қоқилди, пешонаси гурра бўлди. Қисмат дафтариининг илк саҳифаларига қора сийёх тўқилди. Тақдир оти уни жарлик сари судраб кетди. Чунки бу от жиловсиз эди. Уни сизу биз — ҳаммамиз устида ёш ўспирин билан жабдуксиз ва жиловсиз қолдирган эдик.

Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашади. Қарангки, хатто бундай пайтда нафақат ўғил, балки кўшинининг сўлагини тўхтатиб бўлмас экан. Фаррух бошлаган лўмадан кўшни йигит Анваржон Очиловнинг ҳам иштакиси очилиб кетди. Вақоланки, у эоҳушини таниган, йигирма ёшда эди ва Фаррухнинг дағри сўқмоқлардан қайтариб олиши, ҳеч қурса маҳалла оқсўқоқларига бу ҳақда маслаҳат солиши мумкин эди. Аммо унга дағри сўқмоқлар охиридаги саробий оҳанрабо жимжимали кўринди. Ит яламаса-да, шерикли ошга қўлини тикди.

Фаррух Эргашев табиатан, анча ҳаракатчан, тиршқоқ йигит эди, ўқиси ҳам ёмон эмасди. Шу тўғайли Навоий шаҳридаги академик лицейга ўқишга кирди. У компьютерга қизиқди ва унга шунчалик берилиб кетдики, алаоқибат бу мураккаб техниканинг сир-асрорларини анча ўзлаштириб олди. Тенкюрлари тили билан айтганда, у компьютернинг да «сайратадиган» бўлди.

Пичоқ дурадгорнинг қўлига тушса, чиройли эшик, ром ясади, керак бўлса, санъат асарлари яради. Уларни кўриб, кўзинг қувонади ва дурадгорнинг ишига ҳавасланиб қарайсан. Аммо ўша пичоқ ёвуз ният-нияданинг қўлига тушиб қолса-чи? Хуллас денг, Фаррухнинг бора-бора нияти бузилди, қўшини Анваржон билан маслаҳатлашган эса, бу ният янада ёвузлашди, қабохат тўнини кийди.

Суд ҳукмидан: «Фаррух Эргашев 2004 йил январь ойининг бошида Навоий шаҳар «Меморлар» кўчаси, 15-«А» уйининг

рида эса машиналар, дангиллама участкалар, ресторан, бар, дискотека, хурилиқ қизлар...

Ва шу пайт Фаррухнинг амакиси Нажмиддин Эргашевдан қарзи эсига тушиб қолди. Дарвоқе, аввал қарзлардан қўтилиш керак. Дискотекалар қочиб кетмас. Улар яна биргаликда 200 минг пул ясашиб, қарзи эвазига амакисига ўтказди. Навоий шаҳридаги «Химик»

гавжумки, одам одамни танимайди. Фаррух ва Анваржонларга айнан шу керак эди. Улар дастлаб 100 минг сўмга 12 дон аэркалар жинси шимини харид қилишди. Уларни «Дамас»га элтиб қўйишди. Сўнгра яна 24 минг сўмга ялтिलाб турган 2 та туфли олишди. Туфлиларни олиб, Анвар машинага кетди. Фаррух ҳам энди жилмоқчи эди, туфли сотувчиси бирдангина келиб унинг

Жиловсиз от

Суд залидан

58-хонадонда киноий шериги Анвар Очилов билан тил бириктириб, «MICROLAB» русумли процессор, «DELUX» русумли клавиатура, «SIEMENS - NIXDORF» русумли монитор, «HP» русумли рангли фотопринтерли компьютерда ўзлари қалбақлаштириб ясаган «1000» сўмлик купюраларда бўлган жами 24 минг сўм пулни қонунга хилоф равишда ўтказган.

Дастлабки уринишларда хатолликлар ҳам бўлди. Жумладан, бир қисм пулларнинг ранги жуда оч қизил ва уларни куйдириб ташлашди.

Бора-бора йигитлар ишни «из»га солиб олишди. Энди бизни Шерлок Холмс ҳам топа олмайди, деб ўйлашди улар. Принтерда чиқиб келаётган купюраларнинг оҳанрабоиси уларни бутунлай маст қилиб қўйди. Давид Копперфильд ҳам бунчалик томоша қўрса та олмайди. Ҳа, улар Маккенди форига кириб, олтинга дуч келган жинни сайёҳлар қўлига тушиб қолишганди. Кўзлари пуддан бошқа ҳеч нарса ни кўрмасди, хаёлла-

стадиони ходими Илёс Тожиев ҳам 50 минг сўм «қўлбола мингталик» бериб, қарзидан соқит бўлди.

Харқалай, ишлар ёмон кетмаётган эди. Энди «янги маҳсулот»ларни кўпроқ ўтказиш лозим. Навоий шаҳри бу улкан режага торлик қилиб қолмасмикин? Шундай бўлди ҳам. Улар



Анварнинг «Дамас»ига миниб, Қизилтепа томон йўл солишди. Қизилтепа йўлида жойлашган «Парвина — 2001» ёниги қўйиш шохбачасидан 6000 сўмга 20 литр бензин харид қилишди. «Олти мингталик» ясама пулни бензинфурушлар сезишмади. Бу холдан улар яна дадилланишди. Демак, «ишласа» бўлади!

2004 йил 9 февраль тонгига улар Гиждувондаги буюм бозорда пайдо бўлишди. Бозор шунчалик

ёқасидан тўтди. Сохта пулларининг керакли жойларинга кистириб қўйиб, деб ёмон сўқди. Бир зумда бозорда шов-шув кўтарилди. Шу орада жинси шимларнинг эгаси ҳам келиб қолди. Бўлди жанжал, бўлди тўполон.

Дарров давлат солиқ инспекцияси ходимлари пайдо бўлишди. Сўнгра милиционерлар етиб келишди. Анваржон Очилов бошқарувидаги «Дамас» холиси гувоҳлар ёрдамида текшириб қўрилганда, ундан 77 минг сўм қалбаки пул топилди.

Суд ҳукмидан: «Вояга етмаган Фаррух Эргашев ва киноий шериги Анваржон Очилов жами 481 минг сўмлик қалбаки пуллар ўтказишган бўлиб, дастлабки тергов давомида қўрилган чора-тадбирлар натижасида 183 минг сўмлик қалбаки пуллар шавъий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган».

2004 йил май ойининг 27 санасида Гиждувон тумани суди биносида бу иш атрофида қўриб чиқилди ва жиноятчилар ўз жазосини олдилар. Фақат ва фақат қонунларимизнинг адолатли

Шоир хотирасига эҳтиром

Шарқ мумтоз шеърининг билимдони, нафис, жозибадор ғазаллари билан халқ қалбидан чуқур жой олган Навоийнинг Хўжаев — Чустий агар ҳаёт бўлганда шу йил юз ёшга қиради.

Чустий, таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз пойтахтида бошланган хотира тадбирлари у тугилиб ўсган юрт — Чустга

кўчди. Тадбир шоирнинг Чуст шаҳар маданият ва истироҳат боғига ўрнашган мрамор сиймоси пойига гулчамбар қўйиш билан бошланди. Туманининг сўлим гўшаларидан бири «Бибиона» оромгоҳида ташкил этилган адабий-бадий анжуман шоир хотирасига эҳтиромнинг самимий қўринишларига айланди.

Республика Ёзувчилар уюшмаси, Наманган вилоят маънавият ва маърифат кенгаши, Чуст туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган Хотира тадбири шоир таваллудининг юз йиллигига атаб тайёрланган туҳфа — унинг танланган шеърлари тўплами, Чустий ижодининг тадиқотчилари ёзган янги китобларнинг тақдироти билан ниҳоятга етди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

АҚШда ишлаб чиқарилган технология ускуналари, машина ва агрегатларни харид қилиш учун АҚШ экспорт-импорт банки кредит йўналиши ҳисобидан хорижий валютада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.

- Банк 100 мингдан 5 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдорда АҚШда ишлаб чиқарилган ускуналар ва технологиялар харидига доир импорт контрактларини молиялайди ва АҚШ «Эксимбанк»нинг сугурта ҳақини тўлайди.
- Кредит муддати — 7 йилгача.
- Ўз маблағлари иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25 фоизи.

Лойиҳангиз муваффақиятли амалга оширилиши учун АҚШнинг маҳалли консалтинг компаниялари жалб этилади.

Кўшимча маълумотлар учун Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармасига 135-38-52, 135-17-02 рақамли телефонлар орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилишингиз мумкин. www.nbu.com

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираломов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Автомобилларни газ (метан) билан тўлдириш станциялари учун ускуналарни етказиб бериш имкониятига эгамиз.

Тўшақбон пахта сотиб оламиз.

Тел./факс: (998-71) 144-15-71, 41-20-62.
E-mail: ilrateniks@mail.ru

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну (без НДС) сум.
Цены действительны по 10.08.2004 г.	
ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:	
ДУ 15х2,8 мм	799000
ДУ 65х4,0 мм	790000
ДУ 80х3,5 мм	790000
ДУ 100х4,0-5,0 мм	790000
ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:	
76х3,5 мм	790000
89х4,0-5,0 мм	790000
108х3,5-5,0 мм	790000

Трубы водопроводные ГОСТ 3262-75, ДУ 15,20,25,32,40,50 мм поступят на склад в г.Ташкент после 20.08.2004 г.

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommasha@tkk.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Нивёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналлоиҳа».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

Ўзги таътил
Хар фаслнинг ўз гашти, шодлиги бор. Айниқса, болажонлар учун. Бу йилги Ўз фасли ҳам айнан улар орзу қилганларгадек, қувончли оиларга, таассуротларга бой ҳолатда ўтмоқда.

«Жамолот» «Шодлик»ка борди

Чунки ўғил-қизларнинг шўх-шодон кийкируви остида ўтаётган байрамлар, хар хил спорт мусобақалари кишига беихтиёр болалик лаҳзаларини ёдга солади. Сув ҳавзаларида мириқиб чўмиллаётган болажонлар кўриб, уларнинг болалиги чиндан бахтли ўтмоқда, деган ўй қўнгилдан кечеди. Аслида ҳам шундай. Кичиктойларнинг Ўзги дам оилалари мароқли ўтишини таъминлаш борасида «Жамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани Кенгаши томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар корхоналари, тасарруфидидаги болажон соғломлаштириш оромгоҳларида туман Кенгаши уюштиратган тадбирлар болажонлар бирдек қувонтирмоқда. Жумладан, «Тошкентмебель» акциядорлик жамиятига қарашли Бўстонлик туманидаги «Шодлик» оромгоҳида ўқув семинарлари, оммавий кўма спорт мусобақалари ҳамда концерт дастурларини ташкил этиш кенг йўлга қўйилган. Улар спортнинг барча турлари билан мунтазам шугулланиб, оромгоҳлар бўйича ўтказиладиган турли спорт мусобақаларидаги иштироки билан ота-оналарини ҳам қувонтирмоқда. Қолаверса, хар бир йўналишда фаолият юритаётган тўғараклар ҳам болажонлар ихтиёрида. Бундан ташқари, оромгоҳда очилган миллий хўнарамчиликка доир асарлар кўрғазмаси хар бир ўғил-қизнинг қадриятларимизга нисбатан хурматини кучайтирмоқда.

Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА.

Хамшира... Одатда беморларнинг ҳаёти қўл-да уларга боғлиқ бўлади. Чунки шифокор буюрганини амалда бажарувчилар хамширалардир. Асака тумани марказий шифохонасининг беморларни жонлантириш бўлими хамшираси Марҳабо Умрзоқова хушмуомалалиги, ўз касбининг фидойиси сифатида танилган. Шошқин тиббий ёрдам бўлимида даволанган беморлар уни «қўли енгил опа» деб алқашади.

СУРАТДА: жонлантириш бўлими хамшираси Марҳабо Умрзоқова. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
Katris ФИРМАСИ МЕБЕЛЬ

Ишлаб чиқаради ВА СОТАДИ.

Мебель олсангиз «Katris»дан, розмат қилсангиз дилдан.

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ва унинг Тошкент вилояти бўлими уруш қатнашчиси, меҳнат фахрийси Абдулла (Алексей) ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банкнинг собиқ ходими, пенсионер Убай ота ЖУРАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур тазия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректорати ва бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси «Статистика» кафедраси доценти Аббос Аюбоновга падари бузруквори ХОСИЛ отанинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти жамоаси География ва геология тахриратининг илмий муҳаррири Охтиса Исҳоқовага волидан муҳтарамаси ЖАМИЛАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўқулла олинган.
Буюртма 1 — 369, 2202 нускада босилган, ҳаёти — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қотоз бичим А-2.
Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамил Тоғоев ва Баҳоридин Сайидов томонидан саҳифаланди.
Тахриратда ҳаёти 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмади.
(П) — Тўқират материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Өгамқулов.
Навбатчи — М. Жонхонов.
Мусахҳах — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА ақуни — 22.30 Топширилди — 2 3 4 5 6